



# XALQARO MUNOSABATLAR

**SIYOSAT**

**IQTISOD**

**HUQUQ**

**№2**

**2014**

*Ushbu sonda*

- ✦ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА  
МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК  
МУНОСАБАТЛАРИ ВА УНИНГ  
НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ
- ✦ БОЛОНСКИЙ АСПЕКТ В МОДЕРНИЗАЦИИ  
ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
- ✦ THE EXCHANGE RATE IMPACT  
ON THE CHINA- US TRADE BALANCE:  
A COINTEGRATION ANALYSIS

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ**

**INTERNATIONAL RELATIONS**



# МУНДАРИЖА

## SIYOSAT

Мухаммад ибн Саид ибн Мухаммад аль-Лаватий  
СУЛТАНАТ ОМАН В МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЯХ.  
ДРУЖБА, ДИАЛОГ И МИР..... 5

З. Зарипова  
ПЕРИПЕТИИ СОВРЕМЕННОЙ ВОСТОЧНОЕВРОПЕЙСКОЙ  
ПОЛИТИИ. (ПОЛИТИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ БЫВШЕЙ  
ЮГОСЛАВСКОЙ РЕСПУБЛИКИ МАКЕДОНИЯ)..... 11

Ф. Каримов  
ЯҚИН ШАРҚ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА  
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ..... 18

М. Исоматов  
ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК  
МУНОСАБАТЛАРИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК  
АСОСЛАРИ..... 25

## IQTISODIYOT

Э. Хошимов  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНING ЗАМОНАВИЙ  
ШАРОИТЛАРИДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ..... 35

S. Azam  
THE EXCHANGE RATE IMPACT ON THE CHINA-US TRADE  
BALANCE: A COINTEGRATION ANALYSIS..... 43

И. Маткаримова  
ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИНИ  
ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛ  
ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ..... 54

С. Игамбердиев  
ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИ ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ..... 60

Г. Гулямова  
СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ  
ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА КАЗАХСТАНА И  
УЗБЕКИСТАНА В РАМКАХ РЕГИОНАЛЬНЫХ ОБЪЕДИНЕНИЙ... 66

S. Zakirova  
INNOVATION IMKONIYATLAR ISROIL DAVLATINING BUGUNGI  
IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISH OMILI SIFATIDA ..... 74



**Ф. Каримов,**

*Тошкент давлат шарқшунослик институти  
катта илмий ходим-изланувчиси*

### **ЯҚИН ШАРҚ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Таянч иборалар:** минтақавий барқарорлик, минтақавий хавфсизлик, этник муносабатлар ва зиддиятлар.

*В статье предпринята попытка рассмотрения проблемы обеспечения региональной стабильности и безопасности Ближнего Востока, в связи региональной безопасности и этнических отношений, которая является одним из важнейших проблем современной науки. Рассмотрены структура и классификация, участники и действующие силы, цели и формы этнических отношений и конфликтов в регионе. А также предлагаются некоторые предложения по решению и предотвращению подобных конфликтов.*

**Ключевые слова:** региональная стабильность, региональная безопасность, этничность, этнические отношения и конфликты.

*The article attempts to to review the problem of ensuring regional stability and security in the Middle East, due to regional security and ethnic relations, which is one of the most important problems of modern science. The structure and classification of the participants and the acting forces, objectives and forms of ethnic relations and conflicts in the region. And also some offers on the decision and prevention of the similar conflicts are offered.*

**Keywords:** regional stability, regional security, ethnicity, ethnic relations and conflicts.

Яқин Шарқ минтақаси ҳозирги жаҳон геосиёсий жараёнларида муҳим геостратегик ўрин тутгани ҳолда, ўзининг табиий ресурслар(нефть ва газ)га бойлиги ва жугрофий жойлашувига кўра қадимий цивилизация ўчоқларидан бири сифатида азалдан дунёдаги етак-

чи давлатларни ўзига жалб этиб келади. Шунингдек, Яқин Шарқ минтақаси узоқ вақт давомида қурол-яроғ олди-сотдиси учун улкан бозор вазифасини ўтаб, террористик ва экстремистик ташкилотлар учун муҳим минтақа бўлиб келмоқда.

Маълумотчилик  
лан номлари  
равишда  
дания, М  
давлатла  
тифоқ да  
мутахасс  
(Фаластин  
Форс кўр  
Ўрта Шар  
гонистон  
иккала Ж  
рида оли  
лари" оп  
Эрон ҳам  
яси ишла  
Покистон  
киритила  
Ўзбе

Шарққа  
қараб, "Ўртаер  
дунёда"  
ги, Араб  
кўрфазин  
Исроил,  
Ироқ, Эр  
удия Ар  
Қатар, Қ  
ган ҳудуд

Мин  
Африка  
бўлиб,  
Африкан  
ларини к  
қўлтиги  
қали Қиз  
Сувайш  
асосий н

Тад  
Яқин Ш  
(Туркия,  
да) дав  
нан 9 мл  
тақа аҳо  
фоизига  
жаҳон не  
ортигига



Маълумки, Яқин Шарқни Ғарб тадқиқотчилари «Middle East» атамаси билан номлаб, унинг таркибига анъанавий равишда Фаластин, Сурия, Ливан, Иордания, Миср ва Форс кўрфази араб давлатларини киритишади. Собиқ Иттифоқ даврида эса бу минтақа совет мутахассислари томонидан Яқин Шарқ (Фаластин, Сурия, Ливан, Иордания ва Форс кўрфазидаги олти давлат) ва Ўрта Шарқ (Ироқ, Эрон ва қисман Афғонистон) деб юритилган. АҚШда ҳар иккала Ж.Бушнинг президентлик даврида олиб борилган «ёвузлик марказлари» операцияси доирасида Ироқ ва Эрон ҳам, «Катта Яқин Шарқ» стратегияси ишлаб чиқилганда Афғонистон ва Покистон ҳам «Middle East» таркибига киритилади.

Ўзбекистонлик олимлар Яқин Шарққа жуғрофий минтақа сифатида қараб, «Яқин Шарқ» атамаси орқали Ўртаер денгизининг шарқий томонидаги, Арабистон яриморали ва Форс кўрфази зонасидаги давлатлар – Миср, Исроил, Ливан, Фаластин, Иордания, Ироқ, Эрон, Баҳрайн, Яман, Уммон, Саудия Арабистони Қироллиги, Сурия, Қатар, Қувайт, БАА давлатлари жойлашган ҳудудни назарда тутди [1].

Минтақа уч қитъа – Европа, Осиё ва Африка кесишган нуқтада жойлашган бўлиб, Осиёнинг жануби-ғарбий, Африканинг эса шимоли-шарқий қисмларини қамраб олади. Бу ердан, Форс қўлтиги ҳудудидан Хўрмуз бўғози орқали Қизил денгиз ва Ўртаер денгизига Сувайш канали орқали муҳим алоқа ва асосий нефть ташиш йўллари ўтади [2].

Тадқиқотимиздаги ўрганилаётган Яқин Шарқ минтақасида 15га яқин (Туркия, Эрон ва Ироқни ҳам қўшганда) давлат бўлиб, унинг ҳудуди тахминан 9 млн. кв.км.ни ташкил этади. Минтақа аҳолиси дунё аҳолисининг 9-10 фоизига тўғри келади. Минтақа умумжаҳон нефть захирасининг 60 фоиздан ортигига эгаллик қилса, биргина нефть

экспортдан тушадиган бир кунлик фойда 600-700 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Агар, минтақа давлатларининг туризм салоҳияти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдаги ролини инobatга оладиган бўлсак, минтақанинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўраемиз. Бу минтақанинг геосиёсий ва геоиқтисодий ўрнини белгилаб, минтақадаги кескин вазиятлар келиб чиқишининг тасодифий эмаслигини англаймиз.

Бугунги кунда минтақа хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этиши билан бирга, айна вақтда, бу масала юзасидан минтақа давлатлари ўртасида мувофиқлашган сиёсий қараш ва саъй-ҳаракатларнинг мавжуд эмаслиги муаммонинг янада кескин эканлигидан далолат беради. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида минтақада манфаатлар кесишуви юқори даражада эканлиги ва бу борада ўзига хос ички ва ташқи омиллар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Минтақа давлатларининг минтақадаги етакчиликка бўлган интилиши (иқтисодий жиҳатдан кўра, кўпроқ ҳарбий-сиёсий жиҳатдан) мазкур ҳудудда самарали фаолият юритадиган хавфсизлик тизимининг шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу билан бирга, Яқин Шарқ ҳудудидаги минтақавий муносабатларда етакчи ўринлар учун кураш олиб бораётган минтақавий куч марказларининг шаклланиши кузатилмоқда. Бу эса минтақа давлатларининг турли ташкилотлар(АДЛ,НАТО)га аъзо бўлиши (масалан, Туркия ёки араб давлатларининг НАТО билан ҳамкорлиги), жаҳоннинг етакчи давлатлари билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиши (АҚШ-Исроил, АҚШ-Саудия Арабистони, АҚШ-Қувайт, Сурия-Россия) ёки норасмий альянс-лар(Сурия-Эрон, Ливан-Саудия Арабистони)га аъзо бўлишида яққол намоён бўлмоқда. Минтақани назорат қилиш,



Саудия Арабистони, Сурия, Миср, Туркия, Эрон, Исроил давлатлари минтақада етакчилик қилиш учун кураш олиб бормоқда. Бу курашлар қуролланиш пойгаси ва ҳарбий тўқнашувлар, нефтга бой ҳудудларни эгаллаш, диний экстремизм ва терроризмни кучайтириш, миллатчилик ва ёт гоёларни ёйиш орқали олиб борилмоқда [3]. Бу эса, ўз навбатида, ички-сиёсий портлашларни, давлатлараро, миллатлараро ва диний-конфессиялараро можароларни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, минтақада ядровий ва кимёвий қуролларнинг тарқалиш таҳдиди бугунги кунда минтақада хавфсизликни таъминлашнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Айни пайтда, бу муаммо нафақат минтақа, балки қатор сабабларга кўра бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдид солиши мумкин [4].

Бунга биринчидан, минтақада баъзи давлатларнинг ядровий давлат мавқеи ноаниқлиги (Исроил), ядровий ҳарбий дастурлари мавжуд бўлган ёки бу дастурни ривожлантираётган (Эрон) ҳамда кимёвий қуроллардан фуқаролик урушларида ва бошқа ҳолатларда фойдаланаётган (Сурия, аввал Ироққа нисбатан ҳам қўлланган) давлатларнинг мавжудлиги; иккинчидан, минтақа ҳудудида ядровий ва энергетика объектларининг кўпайиб бораётганлиги ва бу соҳадаги илмий-тадқиқот институтларининг кенгайиб бораётганлиги; учинчидан, минтақада йирик таъсирга эга бўлган Миср ва Саудия Арабистони давлатларининг ядровий қурол-яроғга қизиқиши ортиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда [5].

Минтақа хавфсизлигига таҳдид солаётган ядро муаммосига бироз тўхталадиган бўлсак, Ироқ воқеаларидан кейин узоқ муддатли Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилиш масаласи яна халқаро ҳаётнинг кун тартибига кўтарилди. Бироқ АҚШ томонидан ишлаб чиқилган

"Йўл харитаси"<sup>1</sup> ҳам, шунингдек, Ослодаги шартнома ҳам минтақада оммавий қиргин қуроллари билан боғлиқ муаммони ҳал қилмади. Аксинча, бу омиллар минтақадаги вазиятни янада кескинлаштириб юборди.

Маълумки, «Йўл харитаси» икки йил ичида босқичма-босқич аниқ мақсад ва муддат асосида тинчликни ўрнатишга қаратилган эди. *Биринчи давр* (фаза, интифад) "Йўл харитаси" бўйича терроризм ва куч қўллашни тугатиш, фаластинликларнинг турмуш тарзини яхшилаш, Фаластин ҳудудига гуманитар ёрдамни кучайтириш, Фаластин ҳукумати структурасини тиклашни кўзда тутган эди. Ушбу босқичда фаластинликлардан "тезликда куч қўллашни сўзсиз тўхтатиш" талаб қилинди ва Исроил ҳарбий қўшини 2000 йил 28 сентябрдаги Фаластин ерларини босиб олган ҳудуддан чиқиб кетиши кўзланган эди. Шунингдек, иккала томон бир-бирининг ҳақ-ҳуқуқларини ва мустақил давлат эканлини тан олиши керак эди.

*Иккинчи давр* "Йўл харитаси" бўйича "вақтинчалик суверенитет аломатларига эга бўлган маълум ҳудуди бор" деб ҳисобланган Фаластинни мустақил давлат сифатида эълон қилиш белгиланган. Интифадгача Араб давлатлари Исроил билан савдо-иқтисодий ва дипломатик муносабатларни тиклаши кўзда тутилган эди. Фаластин мустақил давлатини ташкил этиш жараёни халқаро кузатувчиларнинг назорати остида бўлиши шарт эди. Режа бўйича *учинчи давр*нинг мақсади сифатида "Фаластин ҳукуматининг структурасида туб ислохотлар ўтказиш ва давлатнинг барқарорлигини, Фаластин хавфсизлик хиз-

<sup>1</sup> Маълумки, 2003 йил Америка ҳукумати араб-исроил можаросини ҳал қилиш учун Фаластин ва Исроил чегараларини белгилаб берувчи "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқади ва у Россия, ЕИ давлатлари томонидан қўллаб-қувватланади. Бу таклиф 2003 йил 19 ноябрда **Калит сўзлар**: БМТ Хавфсизлик Кенгашида қабул қилинди.

матин  
лаш в  
мий м  
билан  
жала  
ласти  
мом х  
цияла  
тувчи  
мақом  
кўчиб  
қилиш  
"Йўл  
ришд  
Бирин  
тин е  
дан,  
олиш  
қараб  
харит  
мавж  
кирит  
Фала  
бирга  
фиқл  
лиши  
кин,  
Фала  
маса  
сида  
доим  
рори  
хари  
қолд  
тан ў  
ХАМ  
ри И  
соди  
мияс  
яни б  
даги  
қирг  
ни я  
яроғ  
охир  
хавф



матининг самарали ишлашини таъминлаш ва 2005 йилда Фаластиннинг доимий мақомини аниқлаш учун Исроил билан музокараларни олиб бориш" режалаштирилган эди [6]. Исроил ва Фаластин ўртасидаги чегараларни батамом ҳал қилиш учун халқаро конференциялар ташкил этиш ва халқаро кузатувчиларнинг розилигини олиш, Қуддус мақомини аниқлаш ва қочоқлар ҳамда кўчиб келувчиларнинг тақдирини ҳал қилиш кўзда тутилган эди.

"Тўртлик" (АҚШ, Россия, ЕИ ва БМТ) "Йўл харитаси" режасини амалга оширишда асосий тўртта шартни қўйди. Биринчидан, Исроил бутунлай Фаластин ерларидан чиқиб кетиши, иккинчидан, Исроил Ғазо секторини босиб олишни тўхтатиши ва Ғарбий қирғоққа қараб чекиниши, учинчидан, бу "Йўл харитаси" режаси ва икки давлатнинг мавжудлиги концепцияси доирасида киритиб борилиши ва охир-оқибатда Фаластин ҳукумати ва "тўртлик" билан бирга барча ҳаракатлар бутунлай мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилган эди [7]. Лекин, қочоқлар, исроилликларнинг Фаластин ҳудудида қурган уй-жойлари масаласи ва Қуддуснинг тақдири тўғрисида аниқ кўрсатмалар йўқлиги ҳамда доимий равишдаги тўқнашувлар ва террористик ҳужумлар натижасида "Йўл харитаси" лойиҳаси амалга ошмай қолди.

Жумладан, "Йўл харитаси"га нисбатан ўз норозилигини кўрсатган ҳолда ХАМАС ва "Ислом жиҳоди" ташкилотлари Исроил пойтахти Тель-Авивда теракт содир этди. Бунга жавобан Исроил армияси Ғазо секторидида ҳарбий операцияни бошлади. Бу, шунингдек, минтақадаги ҳарбий тўқнашувларда оммавий қирғин қуроли кенг фойдаланилиши яна бир бор кўрсатди. Бундай қурол-яроғлар, айниқса, ядро қуролининг охириги ўттиз йилларда Яқин Шарқ хавфсизлигига катта таҳдид эканлиги

ва уларни ҳал қилмасдан туриб минтақада тинчлик ва барқарорликни ўрнатиб бўлмаслигини исботлаб қўйди [8].

Яқин Шарқ муаммоси халқаро сиёсатда ядро омили муҳим роль ўйнай бошлаган замонавий тарихда бошланди. БМТнинг Фаластинда икки давлат ташкил этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган ҳолда 1948 йилги араб-исроил уруши оммавий қирғин қуролининг минтақадаги давлатлар учун катта аҳамиятга эга эканлигини англатиб қўйди. Ўша пайтдаги араблар БМТ резолюциясига умуман рози бўлмаган бўлса-да, лекин 1967 йилги араб-исроил урушида, Исроил де-факто ядро қуролига эга бўлган пайтда ва баъзи жойларда кичик атом портлатгич ускуналарини қўйгандан кейин, араблар исроилликлар билан муроСага кириша бошлади. Бу ядро омилининг кучли таъсирга эга эканлигини ва ҳар бир араб давлати учун катта босим ўтказувчи восита эканлигини англатар эди. Сўнгги йилларда араб-исроил можароси шуни тасдиқлайдики, 1973 йилги урушни қўшган ҳолда ядро қуроли Яқин Шарқдаги вазиятни юмшатишни қийинлаштириш билан бирга, уни босим остида ушлаб турувчи воситага айланди. Ушбу фикрларни исботловчи ҳолатларни баъзи бир араб давлатларининг исроилликларнинг ядросига қарши тура оладиган ядро қуроли, ёки бўлмаса исроилликларнинг ҳужумига қарши тура оладиган турли оммавий қирғин қуролини излаётганлиги ва унга бўлган қизиқиши ортиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин [9].

Сир эмаски, Яқин Шарқ саҳнасида атом қуроли омилининг пайдо бўлишига дунёнинг етакчи давлатлари хайрихоҳ бўлди. Яқин Шарқ давлатларида 1950-йилларда атом энергетикасига бўлган қизиқиш уйғона бошлаган бўлса, ҳозирга келиб, Исроил билан биргаликда Жазоир, Миср, Эрон, Ливия, Сурия ва Иордания давлатлари ҳам



ядро фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Агар Ироққа тўхталадиган бўлсак, у 1980 йилнинг бошларида Франция ёрдамида юқори қувватда ишловчи "Озирақ" реакторини қуришга ва у орқали плутоний олишга жиддий киришди. Исроил эса ўз ядро сиёсатини ривожлантирар экан, "М.Бегин доктринаси" [10] орқали ўз душманларининг ядро қуролига эга бўлишига ҳартарафлама қаршилиқ кўрсатишга ҳаракат қила бошлади. Шу мақсадда 1981 йил Франция ёрдамида ташкил этилаётган Ироқнинг "Озирақ" реакторини авиация орқали йўқ қилишга эришди<sup>1</sup>.

Айни пайтда, таъкидлаш жоизки, араб-исроил можаросининг узоқ вақт давом этиши нафақат минтақа давлатлари ва халқининг хавфсизлигини таъминлаш борасида жиддий тўсқинлик қилмоқда, балки буюк давлатлар ва минтақавий давлатлараро муносабатларга таъсир кўрсатган ҳолда, халқаро хавфсизликка ҳам таҳдид солмоқда.

Яқин Шарқдаги хавфсизлик тизими-га минтақага яқин бўлган ҳудудлардаги нотинч вазиятлар ҳам ўз навбатида таъсир кўрсатишини эътироф этиш зарур. Бу ҳақда сиёсатшунос олим М.М.Муҳаммадсидиқов Шимоли-Шарқий Африка давлатларида юз бераётган ирқий низолар, ҳудудий можаролар, кургоқчилик ва бошқа кўплаб сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий муаммолар қўшни минтақадаги давлатларнинг ҳам миллий хавфсизлигига таҳдид солаётганини кузатиш мумкин, деб таъкидлаган эди [11].

<sup>1</sup> Исроилнинг бу хатти-ҳаракати 1982-1985 йилларда БМТ ва МАГАТЭда муҳокама қилинди. МАГАТЭда араблар ва уларни қўллаб-қувватловчи давлатларнинг Исроилни ташкилотдан чиқариб ташлашга бўлган уриниши ташкилотни жиддий инқироз ёқасига олиб келганди. Чунки АҚШ Исроилни қўллаб-қувватлаган ҳолда ташкилотни молиялаштиришни тўхтатишини ва ҳатто ташкилотдан чиқиб кетишини таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, Шимоли-Шарқий Африка ҳудудидаги можаролар Яқин Шарққа ўз таъсирини ўтказмоқда. Масалан, 2011 йил январь ойида "Жасмин инқилоби" номи остида Тунисда бошланган инқилоб аввал Мисрга, сўнг Ливия ва Яманга ўтди. Ўша пайтда, Сурия Президенти Б.Асад ва Туркия бош вазири Р.Эрдоган учрашиб, "Тунис ва Миср муаммоси - бизнинг муаммомиз", деб таъкидлашган эди [12]. Лекин, афсуски, мазкур инқилобнинг олди олинмади, балки инқилоб дастлаб Сурияга, сўнг қисман Туркия ва Ливанга ўз таъсирини кўрсатди. Бу минтақа давлатлари ҳукуматидан халқнинг норозилиги ва бошқарув ҳокимиятини алмаштириш ҳаракати билан бирга, ташқи кучларнинг бу жараёнларга қай даражада таъсир кучига эга эканлигини ҳам исботлади.

Умуман олганда, Яқин Шарқ минтақасида янги хавфсизлик тизимини яратиш, аввало, минтақа давлатларининг этник масалаларини тартибга солишни талаб этади. Бу ўринда араб бирлигини мустаҳкамлаш, араб-яхудий, араб-форс, араб-курд ва турк-курд муаммоларини ҳал қилиш жиддий аҳамият касб этиб қолади. Этник муаммонинг ҳал қилиниши давлатлараро муносабатларни яхшилаш, минтақа иқтисодиётини юксалтириш имкониятини вужудга келтиради. Бинобарин, Яқин Шарқдаги этник масаланинг тўғри йўлга қўйилиши нафақат минтақа, балки халқаро хавфсизликни таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутаети.

Фикримизча, Яқин Шарқда минтақавий хавфсизлик тизимини ташкил этиш мақсадига қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқалигина эришишга умид боғлаш мумкин:

• *Биринчидан*, араб бирлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш. Араб давлатлараро муносабатларини пухта йўлга қўйиш. Бу учун, Араб давлатлари лигаси ташкилотида структуравий



ва функционал ўзгаришларни ташкил этиш ва ташкилотнинг минтақадаги можароларни ҳал қилишдаги ролини ошириш.

• *Иккинчидан*, минтақада тарангликни юмшатишга Фаластин-Исроил муаммосини тартибга солиш жараёнида сезиларли ўзгаришлар юз бергандагина эришиш мумкин. Фаластиндан ташқари, Исроил билан ҳалигача тинчлик шартномасини имзоламаган давлатлар билан музокараларни тиклаш чораларини ишлаб чиқиш керак бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, араб-исроил низосини тартибга солишга қанчалик уринилмасин, вазият боши берк кўчага кириб қолмоқда. Шу сабабли, агар бугунги кунда муаммони бутунлай ҳал этишнинг иложи бўлмаса, ҳеч бўлмаганда, ўзаро урушлар ва кўпоровчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун ички хавфсизликни мустаҳкамлаш зарур.

• *Учинчидан*, минтақада оммавий қирғин қуроллари(ОҚҚ)нинг олди-сотдисига чеклов қўйиш. Бу араб-исроил уруши каби мураккаб масала, лекин модомики, минтақада ОҚҚ савдоси эркин тарзда амалга оширилар экан, бундай ҳолат минтақавий хавфсизлик тизимини йўққа чиқариши турган гап. Буни Сурия ҳукуматининг кимёвий қуроллардан воз кечиши оқибатида ташқи кучларнинг ички вазиятга аралашувининг олдини олишга эришганликда кўришимиз мумкин. Шу боис, ОҚҚ таъсиридан фойдаланиш тартиб-меъёрлари ва улар тарқалишининг олдини олиш бўйича минтақавий мақомдаги шартномавий битимларни имзолаш ва ўзаро келишув механизмларини яратиш лозим. Бунда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ташаббусни ўз қўлига олиши лозим.

• *Тўртинчидан*, минтақада террористик ва диний экстремистик ташкилотларнинг фаолиятига ва у билан боғлиқ бўлган наркобизнесга чек қўйиш вазифаси бугун ўта муҳим аҳамият касб

этноҳда. Бу масала минтақадаги барча давлатлар учун асосий бош оғриғи бўлиб, уларнинг мазкур муаммо сиртмоғидан чиқиб кета олишлари учун ана шу давлатларнинг биргаликдаги узвий ҳаракати талаб этилмоқда. Бунда, биринчи навбатда, ўз худудида фаолият кўрсатаётган диний-сиёсий ташкилотларнинг фаолиятини тугатиш талаб этилади. Ушбу масалани ҳал қилиш учун, аввало, мамлакат ички хавфсизлик тизимини, хавфсизлик органлари фаолиятини ривожлантириш, мамлакат мудофаа қобилиятининг кўпроқ радикал ташкилотларга барҳам беришга йўналтирилиши (Миср армиясининг ҳозирги кундаги фаолияти каби) мақсадга мувофиқ.

• *Бешинчидан*, бугунги кунда минтақа хавфсизлигига таҳдид сифатида араб-яхудий муаммоси ва араб-форс муаммоси билан бирга курдлар масаласи ҳам кенг талқин қилинмоқда. Курдлар муаммосининг ҳал қилинмаганлиги Яқин Шарқда ҳар доим "хавф-хатар ўчоғи" вужудга келиши мумкинлигини кўрсатади. Агар, араб-яхудий муаммоларини ҳал қилиш борасида бир неча бор ўзаро келишувлар ва халқаро шартномалар ишлаб чиқилган бўлса, курдлар масаласига эса халқаро ҳамжамият ҳанузгача кўз юмиб келмоқда. Лекин Лондондаги Халқаро муносабатлар институтининг 2005 йил олиб борган изланишларига кўра, яқин кунларда ғарбий демократик жамият учун Ироқ ва Туркиядаги курдлар масаласи долзарб ва ўта аҳамиятли масалага айланиши таъкидлаб ўтилган [13]. Шунинг учун, минтақавий хавфсизлик манфаатларида ушбу давлатларда содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларнинг ривожини тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун яқин 15-20 йилликларда курдлар партияси ва жамоат ташкилотларининг ҳаракатлари ва ўз мақсадларида минтақада курдлар яшайдиган ҳудудларда ягона давлат қуришга



## SIYOSAT

бўлган интилишларини батафсил ўрганиб бориш талаб этилади. Борди-ю, курдлар масаласи "демократик" принциплар асосида ҳал қилиниши тўғрисида дуёнинг етакчи давлатлари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия ва бошқа давлатлар бош қотирадиган

бўлса, минтақадаги мамлакатлардан, биринчи навбатда Ироқ ва Туркия, сўнгра Эрон, Сурия ва қисман Исроил учун жиддий муаммолар келиб чиқиши тайин. Шу боис, курдлар масаласи минтақада ҳар дақиқада "оловли нуқта" ясовчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### Адабиётлар

1. *Фафуров С.М. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрфази араб давлатлари амалиёти.* –Т., 2007. – Б. 110.
2. Ўша ерда.
3. *Панкратьев В.П. Некоторые проблемы безопасности на Ближнем Востоке.* Интернет манба: <http://www.vostokoved.ru/books/3-book3/44-q-q.html>.
4. *Ромашкина Н.П. О некоторых проблемах безопасности на Ближнем и Среднем Востоке.* Интернет манба: <http://centreams.ru/index.php?pid=41/>.
5. *Ромашкина Н.П. О некоторых проблемах безопасности на Ближнем и Среднем Востоке.* Интернет манба: <http://centreams.ru/index.php?pid=41/>.
6. БМТ расмий сайтидан: <http://www.un.org/russian/document/scletters/2003/03-529.htm>
7. Ўша ерда.
8. *Cirincione Joseph. Origins of Regime Change in Iraq. Carnegie Endowment Proliferation Brief. 2003. Vol. 6, No. 5, March 19.*
9. *Feldman Shai. Nuclear Weapons and Arms Control in the Middle East.* Cambridge, MA: The MIT Press, 1997. P. 46.
10. *М. Бегин – 1977-1983 йиллар Исроилнинг бош вазири бўлган.*
11. *Муҳаммадсидиқов М.М. Шимоли-Шарқий Африкадаги вазиятлар Кўрфаз давлатлари хавфсизлигига таъсир қилмоқда // Маърифат.* – Т., 2008. - № 55 (8080), 12 июль. – Б. 12.
12. Интернет манба: [www.regnum.ru/news/1372182.html](http://www.regnum.ru/news/1372182.html).
13. Қаранг: *Авдои Т.С. Курдский вопрос в современных международных отношениях.*: Дисс. к.п.н. – М., 2009. – С. 119.

М. И  
ЖИД

ГЛО  
ҲАМ  
НАЗА

Калит  
дуализм, ин

В данн  
сотрудничес  
методология  
учёных.

Ключевы  
индивидуализ

In the give  
region in the pro  
of individualism

Keyword:  
institutionalism,

Халқаро му  
мамлакатлар ўрт  
ва жаҳон сиёсат  
нинг марказий  
қисобланади. Бу  
қорлик масалалар  
ет касб этади. Шу  
кидлаш жоизки  
сиёсий вазиятни,  
казий Осиё минт  
таърихий шарт-ш  
бугунги ва келаж  
олиш учун илмий  
ли назарий ва м  
таърихий лозим. Б  
тан илмий излани